Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак

Туркистон

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1998 йил, 10 июнь, Чоршанба. № 44 (144137)

ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ –ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ –МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН

Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин

Куни кеча "Тафаккур" журналининг 2-сони нашрдан чиқди. Унда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг журнал бош муҳаррири саволларига жавоблари эълон қилинган. Суҳбатда жамиятимизнинг маънавий тараққиёти, тарихимиз ва келажагимиз билан боғлиқ долзарб масалалар, бугунги кунда замон ўртага қўяётган янги-янги муаммолар ҳақида давлатимиз раҳбарининг фикр-мулоҳазалари ўз аксини топган.

Муҳтарам Президентимиз томонидан олға сурилган янгича ғоя ва назарий қарашларнинг муҳим аҳамиятга эгалигини назарда тутиб, қуйида мазкур суҳбатни эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз.

САВОЛ. Муҳтарам Президент, аввало нафақат журналхонларимиз, балки кенг жамоатчилигимизни ўйлантириб турган саволларга ўз муносабатингизни билдиришга розилик берганингиз учун Сизга ташаккур изҳор этамиз.

Маълумки, бундан бир юзу ўттиз йил муқаддам халқимиз миллий мустақиллиги ва тарихий давлатчилигини йўқотиб, мустамлака асоратига тушиб қолган эди. Шу давр мобайнида аждодларимиз, миллатимиз машаққатли синов ва кураш йўлларини босиб ўтди. Боболаримиз чор Россиясининг зулмини беадад тортган бўлса, оталаримиз Октябрь тўнтаришини, Гражданлар урушини, қулоқлаштириш кампанияси, Сталин қатағонларини, Иккинчи жаҳон муҳорабасининг азобу уқубатларини, таҳликали эллигинчи ва ниҳоят "десантчилар зулми" номини олган саксонинчи йиллар воқеаларини бевосита бошидан кечирди. Биз — нисбатан ёш авлод эса "ривожланган социализм" деб аталган даврни ҳам кўрдик, коммунистик мафкуранинг ҳукмрон тазйиқи остида ҳам яшадик. Бу мафкура зулм ва зўравонликка, ғирромлик ва сохтакорликка асосланганини яхши биламиз. Шу сабабли ҳам у ҳалокатга учради.

Гарчи кейинги йилларда миллий мафкура яратиш борасида муайян ишлар қилинган бўлса-да, мафкура тушунчасига ҳанузгача холис илмий таъриф берилган эмас.

Сиз мафкура деганда нимани тушунасиз? Жамият фаолиятида, хусусан, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаётида мафкура қандай ўрин тутади?

> ● *Миллий мафкура — миллатни бирлаштирувчи байроқдир*
>
> ● *Энг даҳшатлиси — фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги*

ЖАВОБ. Мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарур. Мафкура бўлмаса одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкуравий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин. Бунинг исботи учун хоҳ тарихдан, хоҳ замонамиздан кўплаб мисоллар келтириш қийин эмас.

Келинг, бир лаҳза атрофга теранроқ назар ташлайлик. Кўп синовлар, азобу уқубатлар, хатолар, фожиалар, урушлар, қатағонларни бошидан кечирган асримиз поёнига етаётган, инсоният янги аср бўсағасида турган бугунги кунда турли хил эски ва янги мафкураларнинг ўзаро кураши ҳар қачонгидан ҳам кўра шиддатли тус олмоқда. Ранг-баранг, баъзан бир-бирига мутлақо зид дунёқарашлар, сиёсий, миллий, диний оқимлар, мазҳаб ва секталар ўртасидаги фикр талашувлари гоҳо баҳс-мунозара доирасидан чиқиб қонли тўқнашувлар, оммавий қирғинларга сабаб бўлмоқда, одамлар бошига беҳисоб қайғу-қулфатлар солмоқда.

Бошқача айтганда, ҳозирги вақтда дунёда икки қарама-қарши қутб барҳам топган бўлса-да, турли хил мақсад-манфаатларни ифода этувчи мафкуралар тортишуви тўхтагани йўқ. Очиқ айтиш керакки, бу тортишувлардан кўзланган асосий мақсад " инсон, аввалламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир.

Узоқ тарихимиздан маълумки, ҳар қандай зўравон босқинчилар ва юртимизда ҳукмронлик қилмоқчи бўлган кучлар ёвуз ниятларига эришиш учун аввало миллий маданият ва анъаналаримизни йўқ қилиш, шу йўл билан бизни маънавий жиҳатдан заифлаштиришга, куч-қудратимизни йўқотишга ҳаракат қилганлар. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон ёдимиздан чиқармаслигимиз керак.

Бугунги кунда одамзод маълум бир давлатлар ва сиёсий кучларнинг манфаатларигагина хизмат қиладиган, олис-яқин манбалардан тарқаладиган, турли маъно-мазмундаги мафкуравий кучларнинг таъсирини доимий равишда сезиб яшайди. Ахборот асри, электроника асри деб аталган XX асрнинг ниҳоясида " бугунги давримизда бу таъсирлардан холи бўлиш деярли имконсиздир. Таъбир жоиз бўлса, айтиш мумкинки, бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо огоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйиқ бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйиқ, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб етиш ниҳоятда қийин.

(Давоми 2-бетда)

ПРЕЗИДЕНТ ҚОЗОҒИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9 июнь куни туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг навбатдаги олий даражадаги учрашуви ҳамда Қозоғистоннинг янги пойтахти - Остонанинг халқаро тақдимот маросимида иштирок этиш учун Остона шаҳрига жўнаб кетди. Давлатимиз раҳбари сафар олдидан журналистларга интервью бериб, жумладан, бундай деди:

- Мазкур анжуман туркий тилли мамлакатлар давлат раҳбарларининг бешинчи учрашувидир. Бундай учрашувлар маданиятларимиз муштараклигини ифода этибгина қолмай, олиб бораётган ишларимизни янада ривожлантиришда ҳам катта кўмак беради.

Шу боис анжуманда ўзаро иқтисодий муносабатларни янада мустаҳкамлаш масалаларини кенг муҳокама этиш мўлжалланмоқда. Жаҳон бозорига чиқишимиз учун, аввало, коммуникацияни ривожлантиришимиз керак. Бугунги кунда дунёнинг Марказий Осиёга эътибори кучайиб бормоқда. Бу минтақада нефт ва газнинг янги-дан-янги конлари очилаётгани ҳам бизни якдилликка чорлайди.

Табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш учун бир-биримиз билан алоқаларни янада яқинлаштиришимиз ва бундан шу заминда яшаётган барча халқлар манфаатдор бўлишини таъминламоғимиз лозим.

Учрашув Қозоғистоннинг янги пойтахти - Остонанинг халқаро тақдимот маросимига уланиб кетади. Бундай тадбирлар ўзбек ва қозоқ халқларининг дўст, қардош ва елкадош эканини яна бир бор намойиш қилади, деб ўйлайман.

Президент Ислом Каримовни Олий Мажлис раиси Э.Халилов, Бош вазир Ў.Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И.Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Файзуллаев, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

/ЎзА/

Газета саҳифаланаётганда

ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИЛАРГА МУКОФОТ

Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейида республикамизнинг халқаро мусобақалардан совринлар билан қайтган волейболчи қизлари ва самбочиларни мукофотлаш маросими бўлди.

Республикамиз волейболчи қизлари Вьетнамда ўтган X жаҳон чемпионатида учинчи ўринни эгалладилар.

Самбочиларимиз ҳам Россияда бўлиб ўтган Жаҳон кубоги учун мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, команда ҳисобида учинчи ўринни эгаллашди. Йигитларимиз шахсий ҳисобда учта медални қўлга киритдилар - Шуҳрат Хўжаев олтин медалга сазовор бўлди, Акобир Қурбонов - кумуш, Фарҳод Хўжанов - бронза совринларини олди.

Волейболчилар Марина Мартиненко билан Ольга Хўжаевага «Халқаро тоифадаги спорт устаси» унвони берилди. Евгения Жаркова, Наталья Лукьяненко, Евгения Шмитова, Екатерина Корчагина, Людмила Лукичева «Спорт устаси» унвонини олди.

Республика Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси раиси Б.Маҳситов спортчиларга қимматбаҳо совғалар топшириб, уларни табриклади.

Самбо бўйича Ўзбекистон терма командасининг катта мураббийси Александр Ермишкин ҳам қимматбаҳо совға билан тақдирланди.

\ЎзА\

ХАЙР ЭНДИ ТАЛАБАЛИК

Шу кунларда Республикамизнинг барча олий ва ўрта махсус билим юртларида битирувчиларнинг диплом ҳимояси тантаналари бўлиб ўтмоқда. Тошкент автомобиль йўллари институтининг бешинчи курс талабаси Абдумалик Солиҳов билан суҳбатимиз ўз-ўзидан шу мавзуда бўлди.

-- Аввало сизни диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилганингиз билан табриклайман. Диплом ҳимояси сизга нима берди?

-- Диплом талабадан ўз устида ишлашни, меҳнатни, тинимсиз изланишни талаб қилади, чунки бу талабанинг биринчи мустақил илмий иши. Бу эса қунт ва меҳнат билан бирга кучли ирода ҳам талаб этади.

-- Абдумалик, институтда олган билимларингиз сизни қониқтирадими?

-- Албатта, мен талабалик йилларим давомида меҳрибон, билимдон, ўз соҳасининг жонкуярлари, шу билан бирга қаттиққўл, талабчан устозлардан билим олдим. Лекин илм бир жойда қотиб турувчи соҳа эмас. У йиллар давомида ривожланиб, мустаҳкамланиб боради. Энди ўз касбим бўйича ишга жойлашиб, билимимни янада мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қиламан.

Олимжон СУЛТОНОВ



Суратда: Абдумаликни дўстлари қутламоқда.

ЎЗ ЮРТИМИЗДА

Тошкентда Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси қабул қилинганлигининг 50 йиллиги муносабати билан "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Ўзбекистонда шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари" мавзуида миллий анжуман бўлди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари, хорижий давлатларнинг Ўзбекистондаги доимий ваколатхоналари, шунингдек мазкур масала билан шуғулланувчи чет эллик мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманни Олий Мажлис раисининг ўринбосари А.Қосимов очди.

БМТнинг "Ўзбекистондаги демократлаштириш, инсон ҳуқуқлари ва бошқарув тизимини такомиллаштириш" Ривожланиш дастури лойиҳасининг миллий координатори, профессор А.Саидов сўзга чиқди.

***

Андижоннинг Балиқчи туманидаги Навоий номидаги хўжаликда пахта очилди.

***

Самарқандда Ўзбекистон қўшиқ байрами кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Тойлоқ тумани маданият уйи хонандаси Баҳодир Сирожиддинов ва Темирйўл туманидаги 3-маданият уйи «Шаҳло» дастаси қатнашчиси Дилором Ғуломова, эстрада ижрочиси Эркин Қайтаров биринчи ўринни эгаллади. Улар танловнинг республика босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА

ТОЖИКИСТОН президенти Раҳмонов ҳамда мухолифат раҳбари Саид Абдулло Нурий диний партиялар хусусида баҳсни ҳал этиш мақсадида комиссия тузишга келишишган. Бу комиссия ҳукумат ва мухолифат аъзоларидан тузилиб, 20 кун ичида ўз хулосаларини ҳукуматга етказиб бериши керак. Айни пайтда Раҳмонов жаноблари Тожикистон ташқарисидаги исломий масала хусусида келаётган босим таъсирида қолмоқда, деб хабар беради Би-Би-Си мухбири.

* * *

ҚИРҒИЗИСТОН. Илгари хабар берганимиздек, Канаданинг "Кумтор Оперейтинг Компани" компаниясига қарашли юк машинасидан тўкилган цианид натрий оқибатида Иссиқкўлга ва одамлар ҳаётига катта зарар келтирилган эди. Канадаликлар томонидан етказилган зарар ҳозирча 200 миллион қирғиз сўми ҳажмида деб баҳоланмоқда. Ҳозир офат рўй берган Барскаун қишлоғи аҳолиси бошқа жойга кўчирилмоқда.

ХОРИЖДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг гиёҳвандликка қарши кураш бўйича махсус йигирманчи сессиясида Сиёсий декларация қабул қилиниб, Ҳаракатлар режаси тасдиқланди. Ҳозирнинг ўзида дунёда гиёҳвандликка берилганлар сони бир юз тўқсон миллионга етган ва ҳеч бир давлат ушбу офатни четлаб ўтолмаган.

* * *

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунё ҳамжамиятини зилзиладан зарар кўрган Афғонистон аҳолисига ёрдам кўрсатиш учун яна 20 та вертолёт ажратишга даъват этди. Вертолётлар етишмаганлиги сабаб Афғонистон шимолида қутқариш ишлари билан шуғулланувчи марказнинг ўзидаги бир неча минг тонналик озиқ-овқат ва дори-дармонлар йиғилиб қолган.

* * *

Покистон ҳукумати Карачи-Пешовар йўловчи поездида террорчилик ҳаракати содир этилишида Ҳиндистоннинг қўли борлигини таъкидламоқда. Портлаш оқибатида 23 киши оламдан кўз юмди ва 70 га яқин йўловчи жароҳатланди.

* * *

Эритрея ва Эфиопия ўртасидаги вақтинчалик сулҳ муддати тугашига қарамай, Эритрея пойтахти Асмарада вазият ҳозирча тинч. Эфиопия ҳарбий ҳаво кучлари уч кун давомида шаҳарни бомбардимон қилгани оқибатида ўтган кеча бир неча юзлаб кишилар Асмарани тарк этди. Май ойида икки давлат ўртасидаги ҳудудий келишмовчиликлар туфайли юзага келган қуролли тўқнашувларда ўнлаб фуқаролар ҳалок бўлган эди.

* * *

Франциянинг "Эйр Франс" авиакомпанияси учувчилари иш ҳақи тўланишида ўзгартиришлар киритилишига қарши иш ташлаш ҳаракати бошлаганларига саккиз кун бўлди. "Эйр Франс" раҳбарияти ҳамда ишчилар вакиллари ўртасидаги музокаралар натижа бермаганига қарамай, Франция бош вазири Жоспэн иш ташлаш ҳаракати жаҳон чемпионатининг ўтказилишига халақит бермаслигини билдирди.

* * *

Бугун Япония иқтисодиёти қийин кунларни бошидан кечирмоқда. Япония миллий пули иеннинг долларга бўлган нисбати 7 йил давомида кузатилмаган энг пастки нуқтага тушди. Бундай қулашнинг сабаби мамлакат иқтисодиётида давом этиб келаётган танглиқдир. Мутахассисларнинг фикрича иеннинг қулаши бутун Осиё минтақасидаги бозорларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

* * *

Мексиканинг ғарбида жойлашган Гуреро штатида ҳукумат қўшинлари ҳамда халқ-инқилобий армияси жангчилари ўртасида тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ҳукумат расмий доира вакилларининг хабарига кўра тўқнашув оқибатида қўзғолончиларнинг 11 нафари ҳалок бўлган, беш нафари жароҳатланган ва 20 га яқини асирга олинган.

"Туркистон", ЎзА ва хориж матбуоти мухбирлари хабарларидан

ЖАМИЯТИМИЗ МАФКУРАСИ ХАЛҚНИ –ХАЛҚ, МИЛЛАТНИ –МИЛЛАТ ҚИЛИШГА ХИЗМАТ ЭТСИН

Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мана шундай бир вазиятда одам ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларга, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам иродага эга бўлмаса, ҳар турли мафкураларнинг босимига, уларнинг гоҳ ошкора, гоҳ пинҳона кўринишдаги тазйиқларига бардош бериши амримаҳол. Буни кундалик ҳаётда учраб турадиган кўплаб воқеалар мисолида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, Япониядан тарқалган "АУМ Сенрикё" деган диний оқим вакилларининг фаолиятини эслайлик. Улар дунёнинг турли мамлакатларидаги юзлаб ёш йигит-қизларни иродасидан, онг-шууридан маҳрум қилиб, зомби " яъни манқуртга айлантириб қўйгани яхши маълум-ку. Ёки дин ниқоби остида Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистонга ҳам кириб келишга уринаётган ваҳҳобийлик оқими намояндаларининг зарарли кирдикорларини олайлик. Бу каби ҳолатларнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини, менингча, узоқ тушунтириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Кўриниб турибдики, табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум " бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Айниқса, бутун дунёда, жумладан, информация оламида глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда, яъни лўнда қилиб айтганда, жаҳоннинг бир чеккасида содир бўлаётган воқеалар ва ҳаракатларнинг тез тарқалиб кетаётганини ҳисобга олганда, бу масаланинг аҳамияти ва долзарблиги янада ортиб бормоқда.

Фикримни соддароқ қилиб тушунтиришга уринаман.

Агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак, ер билан осмонча фарқни яққол кўрамиз. Техник тараққиёт ҳозиргидек юксак босқичга кўтарилмаган бир даврда дунёнинг тартиботи ҳам, одамлар ўртасидаги муносабатлар ҳам, бинобарин, маънавий-мафкуравий тушунчалар ҳам шунга мос равишда содда ва аниқ-равшан эди.

Яқинда Абдулла Қодирийнинг "Гирвонлик Маллавой" деган кичик бир асарини ўқиб қолдим. Унда асримиз бошида Туркистонга поезд кириб келиши билан боғлиқ бир ҳангома кулгили шаклда акс эттирилади. Наманганга темир йўл тортилиб, синов паровози келадиган бўлади. Паровозни умрида кўрмаган одамлар уни буғ қуввати билан юрадиган "жонивор" деб тасаввур қилишади. "Ўзи қоп-қора бўлса, юрганда дам-бадам пишқирса, чанқаганда қичқирса, минг челаклаб сув ичиб, очиққанда бўкирса, бу " албатта, зўр бир ҳайвон бўлса керак", деб ўйлашади. Кимдир унга "қора айғир" деб ном ҳам қўяди. Синов паровози келишидан бирор кун илгари уни кутиб олишга тайёргарлик кўрилади. Станция ёнига "қора айғир"га атаб ўн арава кўк беда, эллик пудча арпа тайёрлаб қўядилар...

Албатта, бу асарда жиндак муболаға, ҳазил-мутойиба ҳам йўқ эмас. Лекин у ўша пайтдаги одамларнинг тасаввурларию дунёқараш-лари нақадар одми, содда, самимий бўлганини ҳам кўрсатади. Шу билан бирга, бу фақат ўзбек халқига хос хусусият эмас, бошқа халқларнинг ҳам ўша даврдаги турмушини кўздан кечирсангиз, шунга яқин жиҳатларни учратиш мумкин.

Энди шундай ҳолатни ҳозирги кунда тасаввур қилиш мумкинми? Айтайлик, компьютер, факс, «уяли» телефон, параболик антенна, электрон почта каби мўъжизалар ҳаётимизга нисбатан яқинда кириб келди. Лекин ҳозир шу мўъжизалар билан юртимизнинг энг олис ва чекка қишлоғида яшаётган мактаб ўқувчисини ё бўлмаса бирор отахонни қайратга солиш мумкинми? Эҳтимол, улар бу нарсаларга бирпас ҳайрон бўлиб турар, аммо кейин худди бу асбобларни умр бўйи биладигандек тезда кўникиб, ўзлаштириб кетади.

Айтайлик, ҳозир жаҳоннинг олис бир бурчагида қандайдир воқеа содир бўлса, зум ўтмай бутун дунёга маълум бўлади. Ва бу воқеа ер юзининг бошқа бир четида дарҳол акс садо беради. Биздан узоқ-узоқ минтақалар ва ҳудудларда рўй бераётган яхши ва ёмон ишлар, уларнинг таъсирлари ҳам ҳаётимизга яшин тезлигида, биздан сўраб-нетиб ўтирмасдан кириб келаверади. Замонавий ахборот майдонидаги ҳаракат шунчалар тиғиз, шунчалар тезкорки, энди илгаригидек, ҳа, бу воқеа биздан жуда олисда юз берибди, унинг бизга алоқаси йўқ, деб бепарво ўтириб бўлмайди.

Мана шу шарт-шароитларнинг барчаси ҳам маънавият, миллий мафкуранинг аҳамиятини янада кучайтиради. Чунки, сир эмас, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади.

Демак, бугунги кунда ғояни, фикрни тақиқ билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. **Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.**

Ҳар бир инсон, ҳар бир фуқаро буни яхшилаб тушуниб, мағиз-мағзига етиб олиши керак. Чунки жамиятнинг, жамият аҳлининг мустаҳкам ва равшан мафкураси бўлмаса, ўз олдига қўйган аниқ бир мақсад-муддаоси бўлмаса, у муқаррар равишда инқирозга юз тутади.

> ● *Мақсадимиз — эркин шахсни тарбиялаш*
> ● *Кучли давлатдан — кучли жамият сари*

> ● *Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади*
> ● *Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин*

Модомики, мақсад, ғоя ҳақида мулоҳаза юритаётган эканмиз, илгари айтган бир фикримни такрорлаб ўтсам, ўринли бўлар, деб ўйлайман.

Мақсад дегани " халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. **Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса, қудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи бу мақсад халқни — халқ, миллатни — миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин.**

Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажагини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни мен жамият мафкураси деб биламан.

Шўро даврининг мафкураси, коммунистик дунёқараш, агарки аслини суриштирсангиз, моҳият эътиборига кўра, бизнинг турмуш тарзимизга, халқимизнинг табиатига тамоман бегона эди. Шунга қарамасдан, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган бу сохта таълимотнинг салбий таъсири ҳануз сезилиб туради. Афсуски, биз бу сарқитлардан ҳали бутқул халос бўла олганимиз йўқ.

Шунинг учун ҳам истиқлолга эришган қунимиздан бошлаб миллий мафкура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда.

Албатта, мафкурани бир кун ёки бир йилда яратиб бўлмайди. Чунки мафкура шаклланади, шакллантириб борилади. Унинг асосий тамойилларини ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тамойиллар реал ҳаётда ўз ўрнини топмаса, бундай мафкура фақат қоғозда бўлади, холос. **Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, мафкурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим.**

Иккинчи шарт шундан иборатки, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унутилмас ҳисса қўшган олиму фузаролларнинг мафкура ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти ҳақида қолдирган илмий мероси, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор. Мен бу ўринда Абу Наср Форобий, Беруний, Ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Баҳоуддин Нақшбанд, Нажмиддин Кубро каби улуғ аждодларимизнинг шу мавзуга дахлдор асарларини назарда тутяпман.

Масалан, Форобийнинг ўша машҳур "Фозил одамлар шаҳри" асарини эсга олайлик. Бундан минг йилча муқаддам яратилганига қарамасдан, бугунги ўқувчи ҳам бу асардан ҳозирги ҳаётнинг мураккаб муаммоларини ҳал қилишда асқотадиган муҳим фикр ва йўл-йўриқларни топа олади.

Мен миллий мафкура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилик тарихининг юксалиш ва таназзул даврларини, тараққиётни ана шу инқирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия этган бўлур эдим.

Шу муносабат билан бу мафкуранинг шаклланишида кимнинг манфаатлари ва қарашлари юзага чиқиши керак, деган савол туғилади.

Бордию бу саволга мендан жавоб сўралса, даставвал Ўзбекистонда яшаётган, ўз тақдири тимсолида минг-минглаб кишиларнинг тақдирини мужассамлаштирган ватандошимизнинг ҳаётини, унинг орзу-интилишларини, бугун ва эртанги кунга бўлган умид-ворлигини ўзимча тасаввур қилишга уриниб кўрардим. Узимни шу одамнинг ўрнига қўйиб, унинг кўзи, идроки, тафаккури, ёндашуви билан келажакка қарардим.

Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг бехатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун куч-ғайрат манбаи бўлиши лозим.

> ● *Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир*
> ● *Мафкура — ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприкдир*

Ўзбекистоннинг миллий мафкураси мамлакатимизнинг мана шу минтақада, ёнатрофдаги давлатлар орасида ва жаҳон миқёсида ўзига муносиб ўринни, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, ўзининг ихтисосини тўғри ва холисона англаб, шу асосда изчил ҳаракат қилишимиз учун хизмат этиши зарур.

Хўш, миллий ғоя, миллий мафкура нималарни ўзида мужассамлантириши ва қандай талабларга жавоб бериши керак?

Миллий мафкура, **авваламбор**, ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий мақсад ва вазифаларни қамраб олиши шарт.

Иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя " мафкура бўлиши керак.

Учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши даркор.

Тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур.

Бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиши ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни улуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга мутасил даъват қиладиган ғоя бўлиши керак.

Миллий ғоя, миллий ифтихор кундалик машаққатли ишларимизда ва бунёдкорлик фаолиятимизда кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўшиб, ҳақиқатан ҳам келажаги буюк давлат қураётганимизга мустаҳкам ишонч бағишлаб, руҳимизни баланд, белимизни бақувват қилишига ишонаман.

Миллий мафкура воситасида элу юрт бирлашади, ўз олдига буюк мақсадлар қўяди ва уларни адо этишга қодир бўлади.

Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги эса ҳар қандай тараққиётнинг гаровидир.

САВОЛ. Сиз мустақил давлатнинг етакчиси сифатида фаолиятингизнинг дастлабки кунидан бошлаб мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишдек ғоят муҳим ва мураккаб ишга бевосита раҳбарлик қилиб келмоқдасиз. Сизнинг ташаббусингиз билан бу борада амалга оширилган улкан ишларнинг баъзиларини эслаб ўтсак: вилоятларимиз марказларида ўнга яқин университетлар ташкил этилди, истиқлолга қадар бизда умуман бўлмаган бир қанча олий ўқув юртлари, жумладан, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия, Жаҳон тиллари дорилфунунлари, Давлат ва жамият қурилиши, Банк-молия, Ички ишлар, Қуролли Кучлар академиялари, Кончилик институти, Фуқаро авиацияси институти каби янги таълим даргоҳлари очилди, замонавий лицей ва коллежлар таъсис қилинди, "Улуғбек", "Умид", "Устоз" каби жамғармалар тузилиб, ривожланган хорижий мамлакатлардаги энг нуфузли олий ўқув юртларига юзлаб ёшлар ўқишга юборилди, муаллим-мураббийларнинг билим ва савиясини юксалтириш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда.

Утган йили Олий Мажлис сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастури ғоясининг бош ташаббускори ва ташкилотчиси ҳам мамлакат Президенти бўлганини кенг жамоатчилик яхши билади. Яқинда матбуотда Сиз имзо чеккан яна иккита муҳим ҳужжат эълон қилинди. Уларнинг биринчиси "Ўзбекистон Республикасида умумий ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида", иккинчиси эса "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" деб аталади. Сизнинг сиёсатингизда таълим-тарбия масаласига бу қадар катта эътибор берилишининг сабаблари нимада?

> ● *Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги тараққиёт гаровидир*
> ● *Онгли турмуш — жамият ҳаётининг бош мезони*

ЖАВОБ. Мен Абдулла Авлонийнинг "Тарбия биз учун ё ҳаёт — ё мамот, ё нажот — ё ҳалокат, ё саодат — ё фалокат масаласидир" деган фикрини кўп мушоҳада қиламан.

Буюк маърифатпарварнинг бу сўзлари асримиз бошида миллатимиз учун қанчалар муҳим ва долзарб бўлган бўлса, ҳозирги кунда биз учун ҳам шунчалик, балки ундан ҳам кўра муҳим ва долзарбдир.

Чунки таълим-тарбия " онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад " озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди.

Кўриб турганимиздек, буларнинг барчаси бир-бири билан занжир каби чамбарчас боғлиқ масалалардир.

Мен кўп йиллар давлат режалаштириш идораларида ишлаганман. Хизмат тақозосига кўра фан ва таълим масалалари билан ҳам шуғулланганман. Шу сабабли, совет таълим тизимининг барча жиҳатларини яхши биламан, деб айта оламан.

Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва талабаларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига ва сохта ғояларга садоқатини ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Бу тузумдан бизга қолган меросларнинг ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз.

Бу тизим ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирон бир масалани онгли равишда, масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан саёз савияли ходимларни, муте кишиларни минг-минглаб етиштирган эди. Жамиятимизни янгилаш, ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш, бозор иқтисодиёти асосларини барпо қилишга ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан ийроқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар мутасил равишда ишнинг белига тепиб туришини ҳис қилдик, очиғини айтсам, ҳозир ҳам сезяпмиз.

Шунинг учун ҳам мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ бутун мамлакат миқёсида таълим-тарбия, илм-фан, касб-ҳунар ўргатиш соҳаларини ислоҳ қилишга ниҳоятда катта зарурат сезила бошлади. Бусиз жамиятимизнинг бирон бир соҳасини ўзгартиришга киришиб бўлмас эди. Ислоҳотларнинг тақдири ва самараси биринчи навбатда кадрларнинг савиясига, уларнинг замон ва тараққиёт талабларига нечоғлиқ жавоб беришига тақалиб қолар эди. Юртимизнинг эртанги ҳаёти ва тақдири авваламбор шу муаммоларни узил-кесил ечиш билан чамбарчас боғланганини ҳар қайси фикрловчи одам англаши қийин эмас.

Шу сабабли ҳам биз ниҳоятда мураккаб, кўп вақт ва кўп маблағ талаб этадиган ана шу вазифани адо этишга киришдик. Кадрлар тайёрлашнинг Миллий дастурини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараён узоқ йиллар мобайнида бу соҳада талай муаммолар йиғилиб қолганини кўрсатди. Мен бунга ушбу дастур лойиҳаси устида саккиз ой мобайнида ишлаш жараёнида шахсан амин бўлдим. Шунинг учун ҳам бу оғир, масъулиятли, аммо ҳал қилишни асло пайсалга солиб бўлмайдиган ишни қадам-қадамлаб, изчиллик билан бажаришга бел боғладик.

Ишончим комил: агар бу ислоҳотни муваффақиятли равишда амалга ошира олсак, тез орада биз ҳаётимизда ижобий маънодаги "портлаш эффекти"га, яъни унинг самарасига эришамиз.

Бу нима дегани?

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастуримизда, шу жумладан, ҳали сиз тилга олган икки ҳужжатда назарда тутилган вазифалар тўлиқ амалга ошган тақдирда улар, **биринчидан**, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради.

Иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётдан ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган даврида жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак. Акс ҳолда бу нарса нохуш оқибатларга, баъзан эса оғир фожиаларга, ҳатто ижтимоий ларзаларга ҳам сабаб бўлади. Ёш йигит-қизларимизнинг ишда, турмушда, оила ва жамоа орасида ўз ўрнини тополмаслик ҳолатлари уларнинг жамиятда ўз қадрини йўқотишига олиб келади. Ўз қадрига, ўз шаънига эга бўлмаган инсон ҳаётда кўп-кўп тўсиқларга дучор бўлади, беқарор ва салбий таъсирларга тез берилади, унинг шахс сифатидаги емирилиши ҳам тез кечади.

Биз жорий этилаётган мазкур таълим модели орқали аввало ана шу вазиятнинг олдини оламиз. Қолаверса, ёшларни муайян бир ихтисосга эга қилиб, ҳаётга йўлланма берамиз. Дунёга умид билан қадам қўйиб келаётган навниҳол инсон ҳаётдан муносиб ўрнини топса, турмушидан, тақдиридан, ватанидан рози бўлиб яшайди, умр бўйи бунёдкорлик фаолияти билан машғул бўлади.

Бу ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган масаладир.

Учинчидан, таълимнинг янги модели жамиятда мустақил фикрловчи эркин Шахснинг шаклланишига олиб келади. Ўзининг қадр-қимматини англайдиган, иродаси бақувват, иймони бутун, ҳаётда аниқ мақсадга эга бўлган инсонларни тарбиялаш имконига эга бўламиз. Ана шундан кейин онгли турмуш кечириш жамият ҳаётининг бош мезонига айланади. Шунда одам оломон бўлиб, ҳар лаҳзада серкага эҳтиёж сезиб эмас, аксинча " ўз ақли, ўз тафаккури, ўз меҳнати, ўз масъулияти билан, онгли тарзда, озод ва ҳур фикрли инсон бўлиб яшайди. Бундай одамлар уюшган жамиятни, улар барпо этган маънавий-руҳий муҳитни сохта қидалар, бақириқ-чақириқлар, ҳавойи шиорлар билан асло бузиб бўлмайди. Уларни ўзлари ақл-идроқ ва қалб амри билан танлаб олган ҳаётий мақсадлардан чалғитиб ҳам бўлмайди.

Тўртинчидан, таълимнинг янги модели жамиятимизнинг потенциал кучларини рўёбга чиқаришда жуда қатта аҳамият касб этади. Ҳар қайси инсонда муайян даражада интеллектуал салоҳият мавжуд. Агар шу ички қувватнинг тўлиқ юзага чиқиши учун зарур бўлган барча шарт-шароит яратилса, тафаккур ҳар хил қотиб қолган эски тушунча ва ақидалардан халос бўлади. Ва ҳар қайси инсон Оллоҳ таоло ато этган ноёб қобилият ва истеъдодини аввало ўзи учун, оиласининг, миллати ва халқининг, давлатининг фаровонлиги, бахт-саодати, манфаати учун тўлиқ бахшида этса, бундай жамият шу қадар кучли тараққиётга эришадики, унинг суръат ва самарасини ҳатто тасаввур қилиш ҳам осон эмас. Олдимизда турган буюк мақсадларга эришишда жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси кўшадиган ҳисса шу ҳисобдан беқиёс бўлиши муқаррар. Мен "портлаш эффекти" деганда айнан шундай ҳолатни назарда тутмоқдаман.

Бешинчидан, биз фуқаролик жамияти қуришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Бу соҳада дастлабки, аммо муҳим қадамлар қўйилди. **Ишончим комилки, вақти-соати келиб, бугунги ўтиш даври учун зарур бўлган кучли давлат функциялари ва аломатлари аста-секинлик билан тадрижий равишда кучли жамият зиммасига ўтади.** Мана шу йўл, мана шу назарий масаланинг моҳиятини атрофлича ёритиш, уни ҳаётимизда, амалиётимизда ҳал қилувчи сиёсатга айлантириш нафақат бугунги, балки эртанги кунимизнинг ҳам энг муҳим ва долзарб вазифасидир. Тараққиётнинг умумбашарий қонуниятлари, инсониятнинг кўп йиллик ҳаётида синовлардан ўтиб, ижобий натижалар берган тажрибалар худди шу йўлни тақозо этади.

> ● *Жаҳолат — маърифатнинг кушандаси*
> ● *Жаҳонга ўз сўзимизни айтайлик*

Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури ҳар хил "измлар"дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бу моделдан кўзланган яна бир мақсад бор. Унинг воситасида биз дунёдан муносиб ўрин олишга, ўзбек номини янада кенг ёйиб таниётган этишга эришамиз.

Бугун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг "Куч — адолатда" деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб **"Куч — билим ва тафаккурда"** деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли.

Мана, яқинда "Умид" жамғармаси орқали Европа, Осиё ва АҚШнинг энг нуфузли университетларида ўқиётган талабаларимиздан ўн беш нафари магистрлик ва бакалаврлик илмий даражаларига муддатидан олдин сазовор бўлгани ҳақида хабар олдик. Мен бу хушхабарни эшитиб худди ўзимнинг ўғил-қизларим шундай ютуққа эришгандек бениҳоя хурсанд бўлдим. Бу — ҳаётимдаги энг қувончли воқеалардан бири бўлди десам, муболаға бўлмайди. Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ. Фақат мавжуд интеллектуал имкониятларимизни тўлиқ ишга солишимиз, улардан мукаммал тарзда фойдалана билишимиз зарур. Ота-боболаримиз шуҳратининг соясига маҳлиё бўлиб юрадиган даврлар энди ўтди. Бугун жаҳон биздан ўз сўзимизни айтишимизни, ўз тафаккуримизни намоён этишимизни талаб қилмоқда. Бошқа халқлар, бошқа миллатлар бизга ётсираб-беписанд қарамаслиги, балки бизни эътироф этиши, бизни эҳтиром этиши керак. Биз ана шу юксак муносабат ва ҳурматга лойиқ бўлишимиз даркор.

Тўққизинчи-ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё бухорийлар, фарғонийлар, хоразмийлар, беруниийлар, ибн синолар, улуғбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан кўлга киритишимиз керак. Уша даврда улуғ аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз лозим.

Такрор айтаманки, бунга таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш билангина эришиш мумкин. Аслида таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳотнинг чегараси ва поёни йўқ. Токи ҳаёт давом этар экан, таълим ҳам, тарбия ҳам замон ўртага қўяётган янги-янги талабларга кўра муттасил равишда ўзгариб-янгиланиб бораверади. Фақат, биз бу соҳадаги дастлабки қадамларни тўғри қўя олсак, пойдеворни мустаҳкам қилиб барпо этсак, мен шунга ишонаманки, бугунги авлод унинг самарасидан баҳраманд бўлажак, келгуси авлод эса бизнинг қилган шу ишларимизни эҳтиром ва миннатдорлик туйғуси билан эслайди.

САВОЛ. Сиз шуғулланадиган ғоят кўламдор ва серқирра масалалар, адо этадиган вазифалар бири биридан муҳим ва зарур. Уларнинг барчаси мамлакат ва жамият, ҳар қайси фуқаронинг ҳаёти, келажаги учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Аммо Сизнинг фаолиятингиздаги энг устувор йўналиш, энг олий мақсад нимадан иборат?

ЖАВОБ. Агар бу саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериш лозим бўлса, мен "Халқимнинг омонлиги", деб айтган бўлардим. Содда қилиб айтганда, элу юртимизнинг осойишталиги, осмонимизнинг мусаффолиги, сарҳадларимизнинг бехатарлиги, бугунги кунимиздан розилик, эртанги ҳаётга ишонч, оналаримиз ва фарзандларимиз юзидаги табассум, бу " мен ўз фаолиятимда интиладиган энг олий мақсаддир. Халқимнинг осойишталиги ва фаровонлиги мен учун ҳамма нарсадан афзал.

Бу дунёда инсон ўз меҳнати, ақл-ғайрати билан кўп нарсага эришиши мумкин. Бойликка ҳам, шон-шуҳратга ҳам, илмий, ижодий кашфиётларга ҳам, оила, севги бахш этадиган бахту саодатга ҳам. Фақат бунинг учун аввало инсоннинг уйида, маҳалла-қўйида, юртида, қисқача айтганда, одамнинг кўнглида тинчлик-хотиржамлик ҳукм суриши керак. Узоққа бормайлик, мана шу Миллий дастурдан кўзланган мақсадларни амалга ошириш учун ҳам энг аввало тинчлик-омонлик даркорлигини бугун ким инкор эта олади дейсиз!

Мен бу тўғрида илгарилари ҳам кўп бор айтганман. Аччиқ тажрибалар асосида туғилган ва қалбимга чуқур ўрнашган шу ҳаётий ҳақиқатни такрорлашдан толмайман: тинчлик-омонлик бўлса, ҳамма нарса бўлади — ислоҳот ҳам, бозор иқтисодиёти ҳам, жамиятимизнинг янгиланиши ҳам. Аслида ҳаётимиздаги бугунги барча ислоҳот, демократик ўзгаришлардан кўзланган мақсад — юртдошларимизнинг турмушини фаровон қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя этиш.

Бизнинг сиёсатимизнинг бош йўналишини Ўзбекистон хавфсизлиги ташкил этади. Албатта, ҳозирча турмушимиз биз орзу этган даражада эмас. Ҳали етишмовчиликлар, қийинчиликлар ва йўлимизда тўсиқлар ҳам оз эмас. Аммо шундай мураккаб бир вазиятда одамлар омонлиги, мамлакатимиз тинчлигини таъминлашга эришаётганимиз, ўйлайманки, бизнинг энг катта ютуғимиздир.

Чуқурроқ мулоҳаза юритиб қарайдиган бўлсак, шу ҳолни кўрамизки, Ўзбекистон дунёдаги етакчи давлатларнинг, турли-туман сиёсий кучларнинг бир-бирига зид манфаатлари ўзаро муттасил тўқнашиб турадиган бир майдонда жойлашган. Биз буни истаймизми-йўқми, тарих, тақдир тақозоси шундай. **Юртимиздаги беҳисоб табиий бойликлар, унинг геостратегик шароити жаҳонда бизга нисбатан фақат хайрихоҳлик ёки ҳавас туйғусини эмас, балки ҳасад, қора ниятларни ҳам уйғотиши сир эмас.**

Харитага диққат билан разм солсангиз, мамлакатимизни этник, демографик, иқтисодий ва бошқа муаммоларнинг оғир юки остида қолган мамлакатлар қуршаб олганини кўриш мумкин. Бунинг устига, Ўзбекистон диний экстремизм, этник жанжаллар, наркобизнес ва ҳар хил ташқи кучларнинг таъсирида ички низолар авж олган Афғонистон каби беқарорлик ўчоғи билан чегарадош. Олти йилдирки, қўшни Тожикистонда нотинчлик ҳукм сурмоқда.

Минтақамиздаги мавжуд муаммолар камдек, яқинда қўшни давлатлардан бири—Ҳиндистон ядро синовларини ўтказиб, янги бир таҳлика манбаини вужудга келтирди. Бу нарса минтақадаги барқарорлик мувозанатига жиддий зарар етказди. Бунга жавобан шу ҳудуддаги бошқа бир давлат, яъни Покистон ҳам ядро синовлари ўтказиш ҳаракатига тушиб қолди. **(Суҳбат Покистон ядро синовини ўтказишидан аввал тайёрланган—таҳ.)** Демак, минтақамизда ядро хавфи мавҳум хатардан реал хавфга айланиб бормоқда.

Табиийки, буларнинг барчаси бизни ташвишлантирмасдан қўймайди. Уз навбатида биз ҳам давлатимизнинг мудофаа салоҳиятини мустаҳкамлаш ва ҳар қандай таҳдид балосидан сақланиш учун зарур ҳимоя чораларини кўришга мажбур бўламиз.

Ҳеч сир эмаски, бугунги кунда хавфсизликни таъминлаш, хатарларнинг олдини олиш қанчалар мураккаб, нозик ва қалтис бир масала. Буни, албатта, билган билади, билмаган билмайди. Хўш, ўйлаб кўрайлик-чи, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш биз учун қанчага тушмоқда? Узи, хавфсизликнинг баҳоси борми? Умуман, тинчлик-омонлик, барқарорликни пулга чақиб-ўлчаб бўладими?

> ● *Юртимизнинг хавфсизлиги — сиёсатимизнинг бош йўналиши*
> ● *Энг олий мақсадим — халқимнинг омонлиги*

Мен бу фикрларни фуқароларимиз, ватандошларимиз юртимиздаги тинчлик, барқарорликнинг қандай қийинчилик, қандай меҳнат-машаққатлар эвазига қўлга киритилаётганини озми-кўпми тасаввур қилишлари учун айтяпман.

Яратганимизга минг қатла шукроналар бўлсинки, биз ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий

САККИЗ ЁШДА ОЛТИНЧИ СИНФДА

Шаҳбозда истеъдод куртаклари эрта кўз очди. Бахтни қарангки, у уч яшарлигидаёқ китобларни қийналмай ўқий оладиган бўлди. Кишини ҳайратлантирадиган тарафи, алифбони Шаҳбоз ҳеч кимдан ўрганмади. Аксинча, қандайдир ички иштиёқ уни ҳарфларни мустақил ўрганишга ундади...

Бир куни уларнинг уйига муаллима Ҳанифа опа Турсунова йўл-йўлакай кириб ўтди. Опа ҳовлида уй эгалари билан сўрашаркан, баногоҳ кўзи берилиб китоб ўқиётган Шаҳбозга тушди. У билан бир муддат суҳбатлашган муаллима ҳайратланди. Негаки, Шаҳбоз тўрт яшарлигидаёқ китобларни бемалол мутолаа қилиш билан бирга, ўша асарлар устида фикр ҳам юритарди, мағзини чақишга интиларди...

Иқтидорлар — юрт бахти

Шаҳбозни беш ёшлигида, яъни, 1995 йил Таллимаржон шаҳридаги Аҳмад Яссавий номли мактабга қабул қилишди. У синфдошларидан фарқли ўлароқ, ўз эъзиби тиборини, билимларини такомиллаштириб боришга, ҳар бир фанни қунт билан эгаллашга интилди. Ундаги ўзига хос қобилият, зукколикни пайқаган ўқитувчилари Шаҳбозни бир йўла иккинчи синфдан тўртинчи синфга ўтказишди.

--Шаҳбоз зеҳн ва хотирада тенгсиз, -- дейди мактаб директори А.Эшмуродов. -- Тушуниш доираси кенг. Дунёни нозик қувонтирган томонини ҳис қилади. Мени энг нинг фахри бўлиш Шаҳбоз мактабимизнинг синфдошларини ўз билан бирга, кўплаб Ўқувчиларимиз бу ортидан эргаштиряпти. гдошларига ҳавас ноёб қобилиятли тенга интилаётирлар. қилиб, ундан ўрганиш уларга дарсларни Шаҳбоз ҳам жон деб беради... Насиб этса, ўзлаштиришда ёрдам ҳавас қиладиган инсон Шаҳбоз ҳали элу юрт ўхшаган болаларимиз бўлиб етишади. Унга бўлиб етишишлари ни баркамол фарзанд гамхўрлик қилсак, ҳар учун ҳар қанча сак оз.

Бу йил Шаҳбоз қанча қўллаб-қувватлатўртинчи синфни битирди. Келгуси ўқув йилидан у олтинчи синфда ўқийдиган бўлди. Чунки, у синфдошларидан билим ва савия жиҳатдан илгарилаб кетди. Математика ва адабиёт айниқса унинг жону дили. Навоий ва Машрабнинг қўплаб ғазалларини ёд билади. Ўзбек мақолларини Шаҳбозчалик моҳиятига ета оладиган тенгдошлари кам топилади. Агар у бирор соҳада мушоҳада юритадиган бўлса масаланинг тубигача етмай қўймайди.

Ҳар қандай истеъдод ҳам агар асраб-авайланмаса, унга ғамхўрлик қилинмаса сўниб кетиши мумкин. Шаҳбоз зиёлилар оиласида туғилган, отаси Ориф Самиев шаҳар мусиқа мактаби ўқитувчиси. У фарзандлари тарбиясига, таҳсил олишига жиддий қарайди.

-- Бўладиган бола бошиданоқ маълум, деганлари рост экан, -- деди Ориф ака, -- Иккинчи фарзандимиз бўлмиш Шаҳбозда худо берган ноёб қобилият борлигини мен унинг болалигидаёқ пайқаган эдим. Ва ўша пайтларданоқ у билан алоҳида шуғуллана бошладим. Шаҳбозга ўхшаган қобилиятли болалар мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва қишлоқларида бор. Биз бундай истеъдод соҳибларини ўз вақтида кашф этиб, уларнинг ўзлигини тўла намоён этишлари учун шарт-шароитлар яратиб бермоғимиз лозим.

Шерхон ҚОРАЕВ,
Нишон тумани

ИЗЛАНГАННИНГ ИМКОНИ

"Камолот" жамғармаси Шовот тумани бўлими раислигига ёш тадбиркор Шавкат Ҳасанов сайланди-ю, йиғилиб қолган муаммолар ўз-ўзидан биринкетин барҳам топа бошлади.

Ш. Ҳасанов жамғарманинг ўзигача бўлган давр фаолиятини ўрганиб, бироз саросимага тушди. Бир неча ойдан буён ходимларга ойлик маош тўланмаган, ҳатто турли танлов ва тадбирлар учун ҳам ортиқча сармоя қолмаганди.

Янги раис муаммоларни туман ҳокимлиги билан биргаликда ҳал қила бошлади.

"Камолот" жамғармаси туман бўлимининг янги низомини синчиклаб ўқиб чиққан туман ҳокими Б.Ражабовнинг юзида жиддийлик аломатлари зоҳир бўлди.

-- Шавкатжон, раҳмат сенга! Бу ишга сени тайинлаб янглишмабмиз.

Хуллас, ишлар юриша бошлади. Ҳокимнинг гоҳ қаттиқ талаби, гоҳ илтимоси билан ҳомий ташкилотлардан бирин-кетин таъсис маблағлари туша бошлади.

"Ётиб олганга, тоғ ҳам чидамас", -- дейдилар. Ш. Ҳасанов жамғарма ҳисобига автобус сотиб олиб, Шовот-Тошкент маршрути бўйича автобус қатновини йўлга қўйди. Бу "Камолот" жамғармасига мўмай даромад келтириш билан бирга, туман савдогарларига ҳам анча енгилликлар яратиб берди. Эндиликда улар юкларини кўтариб, Урганч шоҳбекатида ярим тунда ораи-сарсон бўлиб юрмай, тўғри Шовотдан Тошкентга келиб-кетишаяпти.

Ўтган йили туман ҳокимлиги "Камолот" ёшлар жамғармасини қўллаб-қувватлаш ташаббуси билан чиқиб, "Шовот" жамоа хўжалиги ҳудудидан 10 гектар ер ажратиб берди. Ерга бўғдой уруғи қадалиб, маҳаллий ва минерал ўғитларга тўйинтирилди.

-- Мана, кўриб турибсиз ҳосилимиз ёмон эмас, -- дейди "Камолот" жамғармасининг туман бўлими раиси Ш.Ҳасанов, далаларни айланарканмиз. -- Биргина, бўғдойнинг ўзидан бу йил 450 минг сўм соф фойда олишни мўлжаллаяпмиз. Бўғдой кейинига ем-хашак учун пичан экиб, фермерларга сотамиз. Шу йўл билан яна камида 300 минг сўм даромад қиламиз.

Демак, ернинг ўзидан бир йилда салкам 1 миллион сўм фойда олинади.

"Камолот" жамғармаси туман бўлими учун бу жуда катта даромад. Бу пуллар ўз ўрнида, яна қўшимча даромад манбалари яратишга сарфланса, келгусида бир эмас, бир неча миллионлаб сўм даромад олиш мумкин.

Айни пайтда жамғарма ўз фаолиятини ана шу мақсад йўлида олиб бормоқда. Албатта, иқтисодий асос мустаҳкам бўлса, маънавий, ахлоқий-тарбиявий мақсадларнинг ҳам бари амалга ошиши шубҳасиз.

Қодиржон МУЛЛАЕВ

Ҳозирги ёшлар

Ҳар бир касб эгасининг одамлар тасаввурига ўрнашган қиёфаси бор. Масалан, муаллима десак, кўз олдимизга сипо, китоб-дафтарга лиқ тўла оддийгина сумка кўтарган, жонсарак, бироз ҳорғин аёл келади. Худди шунингдек, деҳқон ёки актёр, судья ёки ҳайдовчининг ҳам хотирамизда ўрнашган сувратлари бор. Ва бу сувратлар шахсий нуқтаи назар билан боғлиқ эмас. Бу -- ижтимоий тасаввурлардир. Худди шу қиёфага мос сифатлар ҳам мавжуд. Товламачи, муттаҳам сифатини баъзи умумий бир иш атрофига бирлашганларга нисбатан қўллаймиз. Порахўр ёки зийрак, асабий ёки хушёр сифатларининг ҳам ўрни бор.

Аммо дунёда ҳеч бир нарса собит бўлмаганидай, бу тасаввурлар ҳам собит эмас. Ҳар бир янгиланаётган жамият касб маънавиятини ўзгартиради. Ва касб ҳам жамиятни ўзгартиришга қодир. Жамиятимиз ўзгараётгани учун касбларимиз ҳам ўзгармоқда. Бу ўзгаришлар ёшлар тафаккурида қандай акс этаяпти? Улар ўзларини ўша ўзгариш иштирокчилари деб ҳис қилишяптими? Мени шу саволларнинг жавоби қизиқтирди.

ДИЛДОРАХОННИНГ ҚУВОНЧ ВА ТАШВИШЛАРИ

Дилдора АБДУЛЛАЕВА. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги Содиқ Азимов номли ўрта мактабда ўзбек тили ва адабиётидан дарс беради, олий тоифали муаллима.

-- Ҳозирги битирувчиларимиз бундан ўн йил аввалгиларидан кескин фарқ қилади. У пайтда "Ким бўлмоқчимиз?" мавзуида суҳбат ўтказсак, шифокор, ўқитувчи деган жавоблар кўпроқ бўларди. Бугун бу саволга "иқтисодчи", "ҳуқуқшунос", "бизнесмен" дея жавоб қилишади. Шу нарсанинг ўзиёқ ёшларимизнинг замон билан баравар ўзгараётганини кўрсатади. Мактабимиз қошида банк лицейи ташкил этилган. 8-синфни битирганларни тест синовлари асосида қабул қиламиз. Банк синфимиз замонавий ўқув кўргазмалари билан жиҳозланган, ҳар синфда 24 тагача ёшлар сабоқ олади. Уларнинг ҳозирдан ўз келажаклари ҳақидаги тасаввурлари аниқ. Бу синфларда яйраб дарс ўтамиз. Аммо уларнинг ҳаммаси танлаган касблари маънавиятини теран ҳис этади, деб айта олмаймиз. Масалан, ҳуқуқшунос -- бу қонун ҳимоячиси, (жазо берувчи маҳкама ходими эмас), бизнесмен -- жамият бойишига, миллат бойишига ҳисса қўшадиган мулкдор), шунчаки "иномарка"ларда юрадиган худписанд бойваччa эмас), савдогар -- жамият эҳтиёжини қондирувчи тоифа (минг хил йўл билан бойлигини кўпайтирувчилар эмас) лигини ҳам етарлича тушунмайдиган. Аммо йиллар давомида шаклланган бу ёлғон тасаввурлар ўз исботини топади. Ҳар ҳолда уларда касб маънавиятини англашга интилиш, Ватанимга хизмат қиламан, деган фикр бор. Шунга суюнаман. Шу қувончлар аро нега болаларимиз ўқитувчи, инженер, кутубхоначи, тўқувчи деган ҳамиша замонавий касбларга камроқ интилишяпти, деган ташвишлар ҳам бор. Менимча, гап бу касбларнинг нокераклигида эмас, балки у ўз тоши, тарозиси даражасида қадрланмаётганида. Аммо бу ўткинчи ҳолат. Жамият илм-фан йўли билан бошқарила боргани сайин, бу касб эгаларининг қадри ҳам ўрнига тушиши шубҳасиз.

ҲАМРО НИМА ДЕЙДИ?

Ҳамро АБДУЛЛАЕВ -- Қорақалпоғистон Республикаси, Тўрткўл шаҳридаги коллеж талабаси, ҳуқуқшунослик бўйича таълим олмоқда.

-- Жиноят ва жиноятчилар ҳақида бир кино кўргандим. Бир ҳақиқатгўй инсонни душманларининг қўли баланд келиб, қамоққа олишади. Қилмаган гуноҳини зўрлаш билан бўйнига қўйишади.

Хуллас, нима демоқчиман? Мана, шунга ўхшаш ноқонуний ишлар ҳуқуқ ҳимоячиларининг обрўсига доғ туширган. Одамлар уларга кўпинча ишончсизлик билан қарашади. Энди бу тасаввурларни бутунлай ўзгартириш керак. Ҳуқуқий давлатни фақат тўғрилиқ билан қуриш мумкин. Ўзгаришни ҳар ким ўзидан бошлаши шарт. Мана, мен бугун ўз кучим билан ўқисам, қандай қилиб бўлсаям шунга эришсамгина, эртага ростакам қонун ҳимоячиси бўла оламан. Бугун ёлғондакам баҳо олишдан уялмасам, эртага пора олишгаям чўчимайман. Ҳамма гап -- бугунги тўғриликда.

БАХТИЁРНИНГ ДЕҲҚОН ҲАҚИДА АЙТГАНЛАРИ

Навоий вилояти, Қизилтепа тумани Меҳнат-роҳат жамоа хўжалигида "Ихтиёр" деҳқон фермер хўжалиги аъзоси

-- Ихтиёр Ҳасанов менинг акам, икковимиз эгизмиз. Деҳқон фермер хўжалигимиз унинг номига қўйилган. Мен ўзим Бухоро қишлоқ хўжалик техникумини битирганман. Техникани яхши тушунаман. Деҳқон деганда кўпинча кетмон, ўроқ кўтариб, чориғини судраб юрадиган одам тушунилади. Аслида деҳқон бўлиш учун илм керак, ўқув керак. Мен дадамнинг ёнида юриб, кўп ишга ўргандим, аммо кўпроқ китоб титаман, янгилик ахтараман.

Молі ёнида, далада иш кийимимда юрсам ҳам кўчага росмана кийиниб чиқаман. Деҳқон касбининг обрўси ишнинг ўзига, даромадига эмас, унинг ўзини тутишига, одамлар орасида юришида ҳам баҳоланади.

Бир воқеани айтиб берай. Фермер дўстларимдан бирининг онаси қишлоғимизнинг олди қизига совчиликка борибди. "Топиш-тутиши зўр, асаларичи бор, қўйи, новвоси" деб мақтовини келтиришибди. Қиз: "Ҳаммаси яхшию, лекин пул топсаям, ҳаммомнинг гўлахига ўхшаб юради," дебди. Ҳақ гап. Ҳалол ишлаб, ҳалол топгандан кейин чақмоқдай бўлиб юриш керак.

БУ БОШҚА БЕҲЗОД

Маҳалламизда талаба йигитлар кўп. Кўпинча, кечқурун йиғилишиб туришади. Бўлғуси инженерлар, иқтисодчилар, бир-иккита журналистлар ҳам бор. Беҳзод жисмоний тарбия институтида ўқийди. Бир куни улар суҳбатлашиб турган жойга бир аёл келди. Юриш, туришидан қизига борган совчини суриштириб юрганга ўхшайди. Йигитларни гапга солди, ота-онаси, ўқишини суриштирди. Беҳзодга гал келганда, дадил бу йигитча негадир ерга қаради.

-- Нега ерга қарайсиз, болам?- деди аёл.

-- Мен жисмоний тарбия ўқитувчиси бўламан, хола.

Хола анча тушунган чиқиб қолди.

-- Биров билан уришиш учун жисмоний тарбиячи бўлмаяпсанми, ахир?

-- Йўғ-ей, ўзбек болаларидан кўпроқ чемпионлар чиқараман, спорт билан шуғуллантираман, ўзини ҳимоя қилишни ўргатаман.

-- Баракалла, сенинг ишинг савобли экан. Болани яхшиликка бошлашдан савоб иш йўқ, дунёда,- деди хола ва йигитларни қайта-қайта дуо қилди.

ҲАЛВО ДЕГАН БИЛАН...

Ҳар қандай касбни меҳнат чиройли қилади. Тинимсиз, қийин меҳнат. Гули Ҳасанова ўзимизнинг "Чўлпон" нашриётида ҳуқуқ маслаҳатчиси бўлиб ишлайди, дорилфунунда сиртдан ўқийди.

-- Мен дорилфунунга кириш учун ўн йил ўн марта имтиҳон топширгандим. Гоҳ ҳақ, гоҳ ноҳақ дорилфунун остонасидан қайтдим. Отаонам, ака-укаларим, дўстларимдан неча бор: "Нахот ҳуқуқшунос бўлиш сен учун ҳаёт-мамот масаласи бўлса, қўя қол энди, шу тўплаган балларинг билан бошқа ўқишга бемалол қириб кетасан", дейишди. Йўқ, дедим, чидадим, курашдим, мана, ниҳоят, ўзим орзулаган факультетда ўқияпман.

... Гули нозиккина жуссали қиз. Аммо унинг жуссасида катта бир куч яширинган. Эҳтимол, биз ҳар биримиз ўзимизга тақдир билан касбимизга шу қадар ихлос қўйсак, ўша касбнинг қадрига етамиз, қадрлаб туриб, унинг ҳам қадрини кўтарармиз.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ АЙТИБ ЭМИШЛАР...

Машҳур бир ривоятни ҳаммамиз биламиз. Бир йигит бозор йўлида ўтганкетган деҳқонларга кўмаклашиб, уларнинг ҳожатини чиқариб юрар экан. Ҳазрат Алишер Навоий у йигитни қайда учратса, қуюқ саломлашиб кўришар экан. Йигитнинг кўнглига ибодат ишқи тушиб, ҳеч ким билан иши бўлмай қолибди. Кунини саждада ўтказар экан. У "Энди ҳазрат мени кўрсалар, олдингидан кўра юз чандон ҳурмат қилсалар керак" деган ҳаёлда экан. Аммо Навоий кўриб кўрмагандек ўтиб кетибди.

Бу ҳол бир неча бор такрорлангач, йигит ҳазратдан сабабини сўрашга журъат этибди.

-- Сиз ўша бақирчақир қилиб юрганингизда одамларга фойдангиз тегарди. Энди фақат ўзингиз учун яшаяпсиз. Инсоннинг иззати кўпчиликка келтирган фойда билан белгиланади, - деган эканлар, Алишер Навоий ҳазратлари. Демак, ҳар бир кор -- жамиятдаги мавқеи билан қадр топар экан. Ўзини даволаш учун шифокор бўлиш - яхши. Фарзандлари, жигарларининг саломатлиги йўлида табиблик қилиш ундан ҳам яхши. Аммо бутун бир миллат, халқ учун шифо йўлига кириш -- бу аълога баҳоланар экан. Бундан ташқари, ҳар бир инсоннинг ўз машаққатлари, қурашлари бўларкан, сабоқлари бўларкан.

Мен кўпни кўрган кексалар, замонавий фикрлайдиган ўрта ёшлилар ва ҳаётга энди кириб келаётган тенгдошларингиз, ўсмир йигит-қизларни тинглаб, шундай хулосага келдим. Аммо умумий тўхтамдан ташқари касб маънавияти ҳақида ҳар бирингизнинг ўз мулоҳазаларингиз ўз нуқтаи назарингиз бўлса яхши... Мен учун шуниси муҳим. Мен учун ўша нуқтаи назар қадрли.

Қутлибека РАҲИМБОЕВА

ПУЛ ТОПАЁТГАН БОЛАЛАР

Илгариги болалар бошқача эди.

Ун-ўн бир йил мактаб партасида ўтириб, ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатномани олгач, бирор корхона ёки ташкилотда ишлай олмас эди. Чунки... Хатсаводи бир нави бўлгани билан ҳатто уйида радио ёки телевизори бузилиб қолсаям устахонага кўтариб боришдан уялмасди. Уй қурмоқчи бўлса уста излаб сарсон бўлишини айтмайсизми?

Ҳозирги кунда-чи? Бугунги ёшлар анча билимдон бўлишдан ташқари турли касб соҳиблари эканлиги кўнгилда қувонч туйғуларини жўш урдириб юборади. Айниқса, яқинда қабул қилинган Ўзбекистон Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўрта таълимни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг "Ўзбекистон Республикасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори ёшларнинг ҳунар эгаллаш борасидаги орзуларига қанот бўлди.

Қарор чиқди. Кейин-чи?

ЭНДИ ДАНГАСАЛАР ЙЎҚ

Бундан саккиз-тўққиз йил аввал Бойсундаги касб-ҳунар лицейига сочлари ўсиб кетган, кўринишидан безориларга ўхшаб кетадиган болаларни ўқишга юборишди.

-- Нима учун бизнинг лицейни танладинг? -- деб сўради лицей директори уларнинг биридан.

-- Домла, тўғрисини айтсам, мактабимиз директори бу ошналаримдан безор бўлгани учун шу ёққа юборишди, -- деди улардан бири. Ҳар куни тўп тепгани-тепган. Китоб ўқи деса, калламга кирмайди деб зорланишади. Мен ҳам уларга қўшилиб, шу ёққа жўнайвердим.

Директор йигитчанинг жавобига унчалик ажабланмади. Сабаби—ҳунар-техника мактабларига кўпинча дангаса, қолоқ ўқувчилар юборилар эди.

Энди-чи? Бойсундаги касб-ҳунар ўқув даргоҳларида бўлганимда бутунлай бошқача манзарани кўрдим. Бугунги кунда бу билим масканларида ўқиётган 1200 нафардан ошиқ ёшларнинг деярли барчаси ўқишга лаёқатли, ҳунарнинг изига тушган ўспиринлардир. Авваллари асосан тракторчилик ёки ҳайдовчилик ўргатиладиган бу мактаб ва лицейларда айни пайтда 20 дан ортиқ касб эгаси тайёрланаяпти. Тўқувчилик, радио, телевизор устаси, дўппидўзлик, телефон-телеграфчилик, пиллачилик, йигирувчилик мутахассисликлари шулар жумласидандир.

Энг муҳими, билим олиш учун ҳам, касб эгаллаш учун ҳам шароит етарли. Фан хоналари, турли устахоналар уларнинг хизматида.

Ёшлар фақат назарий билимлар олиш билан кифояланмасдан, бевосита ишлаб чиқаришда ҳам иштирок этмоқда. Масалан, дурадгорлик гуруҳида ўқиётганлар китоб мутоаласи билангина касб сирларини эгаллаш мумкин эмаслигини яхши англайдилар. Шу сабабли қурилиш бригадаларида меҳнат қилишяпти, уйларнинг эшик ҳамда деразаларини чиройли ва пишиқ-пухта ясаётган ўқувчиларни кўрган киши хурсанд бўлади.

"МИЛЛИОНЕР БЎЛСАК ЁМОНМИ?"

Денов педагогика билим юрти раҳбари Орзигул Файзиев бизни мўъжаз боғга бошлаб кирди.

-- Мана шу кафтдеккина жойда турли мевали ҳамда манзарали дарахтларнинг кўчатлари етиштирилмоқда,- деди у. -- Ҳурмо, арча, лимон, атиргул ниҳолларини яхши парвариш қилдик. Натижада ривожланиши дуруст бўлди. Шу йилнинг ўзида турли ташкилотларга икки юз минг сўмлик кўчатлар кўчатлар сотдик. Бундан ташқари шогирдларимиз лимонзорни меҳр билан парвариш қилишди. Бу иш ҳам самарасиз бўлмади. Уч юз минг сўмлик лимон сотдик. Мана шуларнинг ўзидан ўқув юртимиз ярим миллион сўм нақд фойда олди. Нима, миллионер бўлсак ёмонми?

Бу маблағлар нима учун керак?

Билим юртининг кенг ва ёруғ хоналарини кўздан кечирдик. Фан кабинетлари яхши жиҳозланган, компьютерлар сотиб олинди. Ўқув юртининг моддий-техника асоси анча бақувват бўлиб қолган. Бу ерда ишлаётган ўнлаб ходимлар ва таълим олаётган ўқувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда ҳам ана шу маблағ асқотаётир.

ҚУВОНИШГА ҲАЛИ ЭРТА

Илгариги ўқув юртлари ёшларга фақат билим беришгагина мослаштириларди. Энди эса... Талаб, масъулият янада ошди. Мисол учун телевизор, радио таъмирлаш гуруҳи ўқувчисига алмисоқдан қолган телевизорлар билан касб ўргатиб бўлмайди. Буни яхши, англаган айрим ўқув масканларида мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиляпти. Янги техника жиҳозлари сотиб олинмоқда.

Бироқ...

Ҳамма жойда ҳам аҳвол бирдек яхши эмаслиги ўйлантиради кишини. Фикримизча, Бандихондаги бизнес мактаби учун янги бино қурилишини тезлаштириш зарур. Шунингдек, Қумқўрғон ва Жарқўрғондаги касб-ҳунар мактаблари замонавий биноларга муҳтож. Айрим билим масканларида сўнгги йилларда ишлаб чиқарилган компьютерлар, турли дастгоҳлар етишмаслиги ҳам ташвишланарли ҳолдир. Баъзи бир ўқув юртларида тўқув дастгоҳлари, тикиш машиналари эскириб қолган.

Айни пайтда юқоридаги каби муаммоларни ҳал этиш чоралари кўрилаётир. Тажрибали ва ташаббускор кишиларнинг ғайрати туфайли жойлардаги аҳвол ўрганилиб, юқоридаги каби "кемтик"ларни тўлдириш учун илк қадамлар ташланди. Аммо бу борада қилинажак ишлар жуда кўп.

Жовли ХУШБОҚОВ,
"Туркистон" мухбири

Китобингиз чиқибди

"ХИРГОЙИ"НИ ТИНГЛАБ...

Шеър ва мусиқа қадимдан яхлит санъатни ташкил қилган. Кейинчалик улар ривожланиб алоҳида мустақил майдонга келди. Бугунги кунда ҳам бу икки санъат турининг бир-бирига уйғунлиги, ҳамоҳанглигини шеъриятимизда кузатишимиз мумкин. Қўшиққа мойил бир қанча шеърлари танилиб қолган шоир Рустам Мусулмоннинг "Хиргойи" тўпламини ўқигач, чиндан мусиқий шеър тинглагандай бўласиз. Унинг "Гул экурман..." шеъри қўшиққа айланиб, кўнгилларга манзур бўлганлиги ҳам шоир шеърларининг халқона, содда ва шўх оҳангларда яратилганлиги сабаблидир. Шоирнинг "Ўллала", "Совчи", "Гул базми", "Хиргойи", "Жоним..." каби шеърлари оддий ўқилмайди, қўшиқ каби куйланади, халқ жонли сўзлашувига хос ифодалар, образ ва оҳанглар билан ўзига хос услубни ташкил қилади. Қўшиқ шоир яратган оҳанг билан шеър равон ўқилади, ўқувчи қалбига завқ бағишлайди:

Ла-лай-чилар қабоқ уйиб кетсин-эй,
Ўз ёғига ўзи куйиб кетсин-эй.
Шум совчилар Санамжонга
келгунча,
Менинг икки кўзим ўйиб кетсин-эй.

Шеър-- инсон қалбидаги оний туйғулар ҳосиласидир. Уни қай шаклда ифода этиш шоир маҳоратига боғлиқлиги шубҳасиз. Р.Мусулмон шеърларида ўз услубини, овозини яратишга уринади, турли сўз ўйинлари, образли ифодалар шеърга кўрк беради. Шоир яратаётган оҳангга берилиб кетиб, баъзан мазмун сустлигига ҳам йўл қўйган ўринлар учрайди. Шеърда мазмуннинг етакчи бўлиши эса маълум бўлган ҳақиқатдир.

Р.Мусулмонинг мавзу доираси кенг. Унинг лирик шеърларида ҳаётга бўлган қарашлари, кўнгил кайфияти, воқеаларга муносабати салмоқли фикрлар, янги ташбеҳ ва иборалар билан ифодаланади:

Бунда ишонч,
Бунда садоқат
Қўлдан қўлга ўтади пулдай,
Бойваччалар "лой"га ботади
Ботқоқдаги нилуфарлардай.

Шоирни жамиятдаги ижтимоий-сиёсий воқеалар, тарихий ҳодисалар бефарқ қолдирмайди. Унинг "Автопортрет" ва "Натюрморт" шеърларида собиқ совет тузумидаги санъатнинг кўриниши, шу билан бирга давр жароҳатлари фалсафий мулоҳазаларда акс этади.

Шоир табиатининг бирдан бир мероси кўнгил ва ҳақиқатни сўзлаш хусусиятидир. Рустам Мусулмон "Юзма-юз" номли қисқагина шеърида буни қуйидагича тасвирлайди:

Кўнгилчангман...
Ахир шул бору йўғим --
Пора-пора бўлган
Бир жанда кўнгил.

Дилдора АБДУЛЛАЕВА,
Андижонлик аспирант

БУҒУЛАР ЯНА ҚАЙТДИ

Хитой марказидаги Хунан вилоятининг Хуажун тумани атрофида ноёб бўғуларнинг 11 таси топилди.

Ўз томорқасини айлангани чиққан маҳаллий деҳқон сабзавот жўякларида ўтлаб юрган танаси сигир, боши от, шохлари эса бўғуники бўлган ,ундай жониворларни кўриб қўрқиб кетди. Қўшнилари билан биргаликда уларни тутиб ...дан иккитасини хассисларга хабар олиб мутақилиб, бу ёввойи ҳайвонлар номини биолди. 1865 йили Хитойда бундай ғалати жониворни илк бор учратган ҳайратга тушган француз наботатчиси Давид номи билан аташганди. Шундай қилиб, қарийб бир ярим асрдан ортиқ вақт ўтиб Давид бўғулари яна юртга қайтди.

Ҳар тарифда

ҲАММАСИГА ИЧКИЛИК САБАБ

Вильнюслик икки ёш йигит "Фиат Уно" автомобилини тайёра сифатида синаб кўришди. Тўғриси бу тажриба қутилмаганда юз берди. Очиғини айтганда, йигитлар тўйгунча отиб олишган эди. Улардан бири машина бошқарувини эплолмай қолди. Бечора "Фиат" йўл чети тўсиғини бузиб ўтиб, 20 метр баландликдаги қўприкдан темир йўл устига учиб тушди. Полициянинг таъкидлашича, "тажриба" муваффақиятли ўтган. "Синовчи учувчилар" бироз лат ейишган, холос. Машина эса ғилдиракларига қўнди. Уни автосервисга, "кашфиётчилар"ни эса полиция маҳкамасига жўнатишди.

Хориж хабарлари асосида БАХТИЁР тайёрлади

Тўҳфа

АЁЛ ДЕБ ҚАРАМАНГ

Аёл деб қараманг мунглиғ муштипар,
Пари-пайкарлардан қўл олиб қўйманг.
Аёл бўлолмайди унингдек ҳеч ким,
Ўзга давраларга йўл солиб қўйманг.

Кетса сиздан шундай кетмайди йиғлаб,
Ғамингизни бошда кўтариб кетар.
Ўйга толсангиз оғриқдан чарчаб,
Ҳеч кимга билдирмай йўталиб ўтар.

Сағир ўйларингиз кетсалар ташлаб,
Сағир бағрингизга кириб олади.
Бошингиз урсангиз остонасига,
Аёлингизман деб кутиб олади.

Сизга яна нима, не керак айтинг,
Осмондаги ойни узиб берсинми?
Оқиб оқолмаган сувларингизда,
Яна қайиқ бўлиб чўкиб берсинми?

Аёл деб қараманг мунглиғ муштипар
Аёллигига доғ тушмагай асло.
Отсангиз майлига тош отиб кетинг.
Бизим қаддимиз тоғ эгмагай асло.

ВОДИЙ

Бу йўл фақат меники эмас,
Қирғоғида чучмома яшар.
Бу гул фақат меники эмас,
Эркалигин баҳорга сочар.

Энтикканча ҳар бир юракка,
Кириб борар баҳор нафаси.
Бир оҳ деса райҳон ҳидидан,
Синиб кетар қорлар қафаси.

Лаблар фақат меники холос,
Шамолларнинг дайди боласи.
Ёниб-ёниб чўғ бўлиб қолар,
Фарғонамнинг қизил лоласи.

* * *

Баҳор кунларида тиниқ кўчалар,
Тўнтарилган осмон фақат иккимиз.
Сиз Султон
Мен эса Малика эдик,
Қуёш балдоғида сизнинг аксингиз.

Ариқлар бўйида бўйлар майсалар,
Шапалоқ тортади от қулоқ.
Халтачам тўлмайди ялпизга,
Йиғлардим,
ҳеч кимга айтмасдим.
Яримта халтани...
Яримта кўнгилни кўтариб,
уйимга,
онамга қайтмасдим.

Кейин сиз кетдингиз капалаклардай,
Қўлларим ёпишди тиззаларимга.
Дил оғир титради, ёмон совқотдим,
Яна ўша ўтлуғ қуёшни кутиб.

Дилимга пичирлаб кирди оҳанглар,
Бегона наводан кўнгил тўлмади.
Дарвозамни тепиб тулпорлар кирди,
Султонлар келмади, бойлар келмади.

Баҳор кунларида синиқ кўчалар,
Балоғат бекати, ўтиб кетдик биз.
Энди қайтолмайсиз капалаклардай,
Яна кузга омон етиб келдик биз.

Бугун жажжигинам келмас кўчадан,
Митти кучукчасин ғижимлаб ўйнаб.
Пичирлаб куласиз қайдадир сиз ҳам,
Гўзал аёлингиз сочларин ўйнаб.

Кузнинг оқшомида ёр айвонида,
Иккимиз икки гул баргида тўлдик.
Гўзал тушлар кўриб уйғонинг эрта,
Сиз ошиқ мен эса, зўр она бўлдик.

Нигора ЙЎЛДОШЕВА

БУГУН ФРАНЦИЯДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА XX АСРНИНГ СЎНГГИ ЖАҲОН БИРИНЧИЛИГИ БОШЛАНДИ

Қуйида чемпионатнинг дастлабки гуруҳлараро саралаш ўйинлари жадвалини ҳавола қиламиз

No	А гуруҳ	1	2	3	4
1.	Бразилия	■			
2.	Шотландия		■		
3.	Морокко			■	
4.	Норвегия				■

No	В гуруҳ	1	2	3	4
1.	Италия	■			
2.	Чили		■		
3.	Камерун			■	
4.	Австрия				■

No	Е гуруҳ	1	2	3	4
1.	Голландия	■			
2.	Белгия		■		
3.	Жан.Корея			■	
4.	Мексика				■

No	F гуруҳ	1	2	3	4
1.	Германия	■			
2.	АҚШ		■		
3.	Югославия			■	
4.	Эрон				■

No	D гуруҳ	1	2	3	4
1.	Испания	■			
2.	Нигерия		■		
3.	Парагвай			■	
4.	Болгария				■

No	С гуруҳ	1	2	3	4
1.	Франция	■			
2.	ЖАР		■		
3.	Сауд.Арабистон			■	
4.	Дания				■

No	G гуруҳ	1	2	3	4
1.	Руминия	■			
2.	Колумбия		■		
3.	Англия			■	
4.	Тунис				■

No	Н гуруҳ	1	2	3	4
1.	Аргентина	■			
2.	Япония		■		
3.	Ямайка			■	
4.	Хорватия				■

ФАРАНГИСТОН ЧОРЛАЙДИ БИЗНИ

Жаҳон чемпионати баҳслари ҳар қачон ҳам ўз даври футболининг қаймоғи ҳисобланади. Худди шу биринчиликда дунё футболи юлдузлари 4 йил давомида тўплаган "нурларини сочадилар". Ашаддий ишқибозларни бу "кураш"и туну кун бедор этиши табиий. ЖЧ-98га истаган ўзбекистонлик фуқаро бориши мумкин экан. Қандай қилиб дейсизми? Ахир, Ўзбекистон телерадиокомпанияси ана шундай имкониятни яратиб берамиз деб жар солишмоқда-ку!

Ўзбекистон телевиденияси Бош директорининг биринчи ўринбосари Тўра Мирзо шундай жавоб берди:

-- Компаниямиз халқимизга Франция ўйингоҳларида бўладиган асрнинг сўнгги "шов-шув"ини (гарчи ўзбек ўғлонларига мазкур ўлка майдонларида тўп суриш бахти насиб этмаган бўлса ҳам) тақдим этишга қарор қилди. Шунинг учун бир ойдан ошиқроқ вақт мобайнида телерадиокомпаниядаги юзлаб ходимлар халқимизга шу кўрсатувларни узатиш учун тайёргарлик кўришди.

Ўйинларнинг шарҳлари ҳам ишқибозларни бефарқ қолдирмайди. Шу туфайли бу ишга дунё футболидан хабардор, тажрибали футбол шарҳловчиларини жалб этдик. Биринчи, иккинчи ва учинчи дастур орқали бериладиган учрашувлар ўзбек тилида, тўртинчи дастурда ўйинлар шарҳи рус тилида шарҳланади.

Кўплаб мухлисларнинг талаб ва таклифлари, илтимосномаларига кўра улар учун қулай пайтларни танладик. Шунда тўрттала дастурдаги учрашувларнинг кетма-кетлиги мутаносиб ҳолга келиб, томошабинларга қулайликлар туғдиради.

Биринчи дастурда ҳар куни соат 22.15да, иккинчи дастурда соат 23.50да, учинчи дастурда соат 00.40да, тўртинчи дастурда эса соат 19.05да чемпионатнинг учрашувлари эфирга узатилади. Албатта, шу вақтларда барча футбол ишқибозларини ойнаи жаҳон қаршисига таклиф этамиз.

МУСИҚА ХИЁБОНИДА

80- йилларнинг энг машҳур гуруҳи бўлмиш Модерн Токинг яна саҳнага чиқди. **Ўн бир йиллик узоқ айриликдан сўнг уларни ишқибозлари олқишлар оламига кўмиб ташлади. Магдебургдаги улкан шоу қаҳрамонлари. 44 ёшли Дитер Болин ва 35 ёшли Томас Андерслар бўлишди Энди ҳеч жанжаллашмасликка келишиб олган омадли жентельменлар ишқибозлари эътиборига ўзларининг яп-янги "Бакс Фоп Гууд" мусиқий альбомини тақдим этдилар.**

***

Машҳур "Титаник" фильмида ижро этилган "Ми Хиарт ВИЛ КО ОП" қўшиғи билан дунё мусиқа қироличасига айланган Селин Дион хонимга яқинда канадаликлар қаҳрамонлик орденини топширишди. Мукофот топшириш маросимидан сўнг, Селин Дион ва унинг турмуш ўртоғи Рене Анжелис барчани ҳайратга солишди. Ўртага совуқчилик тушиб, оила жар ёқасида, дея аталган матбуот сўзларини рад этаркан, бу бахтиёр жуфтлик яқин кунларда фарзанд кўриш ниятлари борлигини билдирди.

***

Афсонавий "Битлз"нинг юраги бўлган Пол муҳаббатига содиқ эканлигини яна бир бора исботлади. У дунёдан ўтган умр йўлдоши Линда хотирасига бағишлаб янги мусиқий альбом чиқармоқчи.

***

"Ёшлик" радиостудияси ўтказган миллий композициялар хитпаради натижаларига кўра, учинчи ўринда -- Дилфуза Раҳимова ва унинг "Мафтун" қўшиғи. Дилфузахон хитпарадда 24 фоиз овоз олишга муваффақ бўлди. Иккинчи ўринда Илҳомжон Фармонов "Хумор-хуморман" қўшиғи билан.

Миллий мусиқий композициялар хитпарадининг олий унвонига севимли хонандамиз Юлдуз Усмонова сазовор бўлди. Юлдузхон 40 фоиз овоз олди. Она ва қизалоқнинг "Шайтонга бўйсунган юраклар" қўшиғи кўпчилик радиотингловчиларга манзур бўлди.

В.ЎРОҚОВ

Спорт

ГОЛИБ АНИҚЛАНДИ

Жиззахда Ўзбекистон Республикаси ёшларининг «Камолот» жамғармаси кубоги учун баскетбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. Жиззах Политехника институтининг спорт саройида тўрт кун давом этган бу беллашувда Тошкент шаҳри Юнусобод туманидаги баскетбол бўйича олимпия ўринбосарлари болалар ва ўсмирлар спорт мактаби вакиллари биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ва учинчи ўрин Навоий ва Фарғона вилоятлари ёш баскетболчиларига насиб этди.

Йўлчи ЖЎРА,
ЎзА мухбири

Чавандозлик

КАТТА ДОВОН ОРТИДАГИ ДУНЁ

"Олимпия шон-шуҳрати" музейида Алматидаги Жаҳон кубогининг саралаш беллашувларида муваффақият қозонган бир гуруҳ от спорти вакиллари Республика Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитасининг ҳамда мутассаддиларнинг қимматбаҳо совғалар, фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон от спорти федерацияси президенти Ниёзбек Ирисбеков, Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситовга жаҳон кубогини расмий тарзда топширди. Ушбу ноёб ютуқ эса "Олимпия шон-шуҳрати" музейидан

"551-РАҚАМЛИ ЭКСПОНАТ"

сифатида жой олди. Бир қарашда оддий ҳодиса. Аслида-чи? Муваффақиятнинг туб илдизига назар ташлайдиган бўлсак, унинг аҳамияти тарихий жараён олдида залворлидир.

-- Тўғри, музейимизда спортчиларимизнинг нуфузли мусобақалардаги ютуқларини ифодаловчи турли кўринишдаги экспонатлар ўн мингдан ортиқ, -- дейди музей директори Анвар АКРОМОВ. -- Бироқ, уларнинг энг ноёблари 550 та эди. Бугунгиси билан 551 тага етди. Шунчалик қисқа вақт ичида спортчилар қўлга киритаётган ютуқларнинг салмоқли бўлаётгани таҳсинга лойиқ. Ўйлайманки, бундай ғалабалар эвазига юртимизга олиб келинаётган кубоклар сони йилдан-йилга кўпаяверади.

Ҳа, шароит, имконият кўлами шундай бўлажагини кўрсатиб турибди. Музейнинг кенг фойесида Алпомиш авлодлари билан суҳбатлашиб турганимизда Республика от спорти федерацияси президенти Ниёзбек Ирисбековнинг

"МАЛИКАНИНГ НАЗАРИ ЎЗБЕКИСТОНДА!.."

деган сўзлари "бехосдан" қулоққа чалиниб қолди. Шу қизиқиш асносида у киши билан суҳбатлашишга чоғландик.

-- Суҳбатларингизни бўлганимиз учун узр. Ниёзбек ака, ўша Ўзбекистонга назари тушган малика аслида ким ўзи?

-- Малика Пеларде Бурбон. Жаҳон от спорти федерациясининг президенти.

-- У киши билан қачон учрашдингиз?

-- Ўтган ойнинг сўнгги кунларида Бангкокда бутун дунё от спорти Бош ассамблеясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Ўша ерда Пеларде хоним ўз нутқини Ўзбекистон, унинг келажаги, спортга берилаётган юксак эътибор тўғрисидаги илиқ фикрлари билан бошлади.

-- Ўша ассамблеяда Ўзбекистонга тегишли бўлган қандай масалалар кўрилди?

-- Энг асосийларидан бири мамлакатимиз федерациясига Марказий Осиё лигаси ўйинларини ўтказиш мақоми ҳуқуқи берилганлигидир. Насиб этса, келгуси йили Ўзбекистонда ушбу мусобақанинг илк қалдирғоч турнири ўтказилади.

-- Марказий Осиё лигаси ўйинларини қўшни давлатлар ҳам ташкиллаштириши мумкинми?

-- Бу ўйинларни ўтказиш ҳуқуқи Ўзбекистонга берилган. Демак, бошқа бир давлатда унинг ташкиллаштирилиши халқаро қонунларга зиддир. Фақат жаҳон от спорти федерациясигина унга ўзгартириш кирита олади.

-- Жаҳон кубогининг саралаш беллашувларидаги чавондозларимизнинг иштироки сизни қониқтирдими?

-- Дабдурустдан бир нарса дейиш қийин. Лекин йигитларимиз ёмон қатнашишмади. Битта олтин медаль қўлга киритилди. Жами медаллар эса 6 та. Менимча бир йил аввал ташкил топган федерациямиз учун бу яхши натижа.

-- Чавандозларимиз олдида яна қандай нуфузли мусобақалар турибди?

-- Халқаро турнирлар бир қанча. Лекин энг масъулиятлиларидан бири Қирғизистонда кечадиган "Самсунг кубоги" ва 13-Осиё ўйинлари бўлиб, ишонаманки йигитларимиз юрт шаънини муносиб ҳимоя қилишади.

-- Бугун от спорти олдида турган муҳим вазифалар нималардан иборат?

-- Қилишимиз керак бўлган ишлар жуда кўп. Қай бирини айтай? Бироқ бу вазифалар вақт ўтиши билан ўз ечимини топаверади. Асосийси, халқаро майдонлардаги зафарли юришларимиз бошланди.

-- Ҳамюртимиз Ғайрат Назаров ўзининг учар "Кавун"и билан 150 сантиметрли тўсиқлардан бехато сакраб ўтиб, ғолибликка эришиши юртимиз чавандозлари ҳали кўп нарсаларга қодир эканлигини яна бир бор кўрсатди, -- деб суҳбатимизга қўшилди Республика от спорти федерацияси Бош мураббийси Жўрақул Турдиматов. -- Таниқли мураббий Алихон Азизов ўзининг "Рафинат" лақабли оти билан 2-ўринни эгаллади. Америкалик, италиялик мутахассислар спортчиларимизнинг эртаси ҳақида яхши фикрлар билдиришди. Шундай сўзларни эшитиб фахрланасан киши. Демак, бизнинг жаҳонда ўз ўрнимиз, мавқеимиз топилмоқда.

Яна бир гап. Халқаро миқёсдаги ҳар бир отнинг ўз паспорти бор. Аввалларида бизнинг тулпорларда бундай ҳужжат йўқ эди. Яқинда 10 га яқин отларимиз шундай паспортларга эга бўлди. 00001 рақамли паспорт республикамизнинг энг учқур тулпорларидан "Арслон"га берилди. У 1994 йилги Ўзбекистон чемпионатида 192 см. тўсиқдан ҳеч қийналмай сакраб ўтиб, Ўзбекистон рекордини ўрнатган эди. Бу ютуқ бизнинг дунё майдони сари катта доводан ўтганимизни кўрсатиб турибди.

Тўлқин РЎЗИЕВ

ЎЗБЕКИСТОНДА АМЕРИКА ТАЪЛИМ ТИЗИМИ

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети қошидаги "КЕЛАЖАК" Халқаро Бизнес Мактаби

Инглиз тилини мукаммал билган истеъдодли ёшларни "Бизнес Администратор" дастури бўйича уч йиллик ўқишга таклиф этади. Ўқиш Америка ўқиш режалари ва дастурлари асосида инглиз тилида олиб борилади.

Ўқишга кириш тестлари (инглиз тили, математика) ва суҳбатлар чет тили мутахассислари томонидан қуйидаги кунларда ўтказилади: (шахсий паспорт бўлиши шарт)

18 июнь соат 9.00
31 июль соат 9.00
10, 14, 17, 21, 24 август соат 9.00

Бизнинг манзилимиз: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг маъмурий биноси (11-қават, 11-04 хона).

Телефонлар: 45-46-63, 132-60-25, 132-60-26, 132-60-27. "Ўзбекистон" ёки "Халқлар дўстлиги" метро бекатлари.

Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети қошидаги "КЕЛАЖАК" Халқаро Бизнес Мактаби

Ёзги бизнес мактабига

талабалар қабул қилмоқда. Мактаб "Чорвоқ" сув омборидаги университетнинг оромгоҳида жойлашган.

Ўқиш фақат чет эл мутахассислари томонидан инглиз тилида олиб борилади. Кириш тестлари 20 майдан бошлаб, ҳар куни соат 10.00 да ўтказилади.

Шошилинг, талабалар сони чекланган! (шахсий паспорт бўлиши шарт)

Бизнинг манзилимиз: Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 49. Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университетининг маъмурий биноси (11-қават, 11-04 хона). Телефонлар: 45-46-63, 132-60-25, 132-60-26, 132-60-27. "Ўзбекистон" ёки "Халқлар дўстлиги" метро бекатлари.

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ

Бош муҳаррир Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: Рўзибой ҲАМИДОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Қабулхона — 136-56-58, 133-95-97; хатлар бўлими — 136-54-64; тижорат бўлими — 133-79-69; ижодкор ёшлар бўлими — 136-54-64; спорт, ҳарбий ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, қотибият — 136-58-48.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
Нашр кўрсаткичи 64607

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Дизайн устаси: С.ФАЙЗУЛЛАЕВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси
Буюртма Г. —087
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41
Ҳажми — 2 табоқ
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.
Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти – 22.00
1 2 3 4 5 6